

Жаҳонгир Рўзиев,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси

МАШҲУР ҚИРОАТ ИМОМИ ОСИМ ИБН АН-НАЖУД ҲАҚИДА

Қироат (الْقِرَاءَات) луғатда “жамламоқ”, “қўшмоқ”, “ўқимоқ”, “қироат килмоқ” маъносидаги “қироах” (قراءة)нинг кўплик шаклидир.

Истилоҳда: Қуръон нутқида қори имомлар турли йўналишда бўлиши.

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида кўплаб саҳобалар қироат илмида пешқадам бўлдилар. Имом Заҳабий “Табақот ал-қубро” асарида шундай дейди: “Саҳобалардан Қуръон ўқитишда энг машҳурлари еттитадир. Улар Усмон, Алий, Убай, Зайд ибн Собит, Ибн Масъуд, Абу Дардо, Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дир. Масалан, Убай (р.а.)дан бир қанча саҳобийлар Қуръон қироатини ўрганишган. Жумладан, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Соиб (р.а) шулар қаторига кирадилар. Ибн Аббос шунингдек Зайддан ҳам қироатни ўрганган”.

Мазкур саҳобийлар турли шаҳарлардан келган кўплаб тобеинларга қироат илмидан сабоқ берганлар. Кейинчалик тобеинлар орасидан ҳам бу илмда пешқадамлар етишиб чиқди. Уларнинг барчаси муттасил силсила билан Расулulloҳ (с.а.в.)га боғланадилар. Жумладан, Мадина шаҳридан Ибн Мусайяб, Урва, Солим, Умар ибн Абдулазиз, Сулаймон, Ато ибн Ясор, Муоз ибн Ҳорис, Абдуллоҳ ибн Ҳурмуз, Ибн Шихоб Зухрий, Муслим ибн Жундуб, Зайд

ибн Аслам, Маккадан Убайд ибн Умайр, Ато ибн Абу Рабоҳ, Товус, Мужоҳид, Икрима, Ибн Абу Мулайка ва бошқалар, Куфадан Алкама, Асвад, Масруқ, Убайда, Амр ибн Шурахбил, Ҳорис ибн Қайс, Амр ибн Маймун, Абу Абдурахмон Суламий, Саъид ибн Жубайр, Наҳъий, Шабъий ва бошқалар, Басрадан Абу Олия, Абу Ражо, Наср ибн Осим, Яҳё ибн Яъмур, Ҳасан, Ибн Сирийн, Қатода ва бошқалар, Шомдан Муғира ибн Абу Шихоб Махзумий (Усмон розияллоху анхунинг дўсти), Халифа ибн Саъд (Абу Дардо (р.а.)нинг дўсти) қироат илмини саҳобалардан ўрганиб, қироатда моҳир ва машҳур бўлдилар.

Ҳижрий биринчи асрнинг охири, иккинчи асрда тобеинлардан бўлган бир қанча уламолар қироатларни тартиблашга киришдилар. Улар қироат илмини бошқа ислом илмлари каби мустақил илмга айлантира олдилар. Чунки, замона зайли шуни талаб қилар эди. Натижада, тобеинлар орасидан ҳам эргашиладиган ва уларни қасд қилиб сафар қилинадиган буюк устозлар сони кўпайиб борди.

Ўша даврда ишончли, омонатдор, умри давомида қироатни ўрганиш ва ўргатишни маҳкам ушлаган, ҳамма ундан ишонч билан таълим олган, санади Расулulloҳ (с.а.в.)га узлуксиз силсила билан боғланган, қироат

илмида машхур бўлган умумий ўнта кироат имомларининг кироатлари мутавотир¹ эканига уламолар иттифок қилдилар. Ушбу кироат имомларининг иккитадан машхур шогирдлари бўлиб, улар бу кироатларни ривоят қилганлар.

Яна бир қанча кироатлар шозз² бўлиб, улар Ҳасан Басрий (ваф. х. 110 / мил. 728), Язидий Басрий (ваф. х. 202 / мил. 818), Аъмаш (ваф. х. 148 / мил. 765), Ибн Муҳайсин Маккий (ваф. х. 123 / мил. 741) ва бошқаларнинг кироатлари ҳисобланади. Жумхур уламолар машхур мутавотир кироатлардан бошқа, хусусан шозз кироатида намоз ва ундан бошқа ўринларда бўлсин, кироат қилиш жоиз эмас, дейдилар³.

Ушбу мақолада дунёда энг кенг тарқалган ўнта кироат имомларидан Осим ибн ан-Нажуд ҳақида сўз юритилади. Юртимизда ҳам асрлар давомида айнан шу кироат асосида тиловат қилинади. Тажвид илми борасида ёзилган “Тухфатул-атфол” асари ҳам айнан Осим кироати қоидаларини ўргатади. Асар мисрлик Шайх Сулаймон ибн Ҳусайн ал-Жамзурий (ҳиж. 1160–1209 / мил. 1747–1795 йиллар) томонидан ҳижрий 1198, милодий 1784 йил назмий услубда ёзилган ва ушбу асар бугунги кунда дунёнинг кўплаб мусулмон мамлакатларида тажвид илми бўйича бошланғич қўлланма сифатида талабаларга ёдлатилиб, ўқитилади. Жумладан, юртимиздаги ўрта махсус ва олий ислом билим юртиларидаги талабаларга ушбу асар таълим берилади.

Осим ибн Абу ан-Нажуд ал-Куфий (ҳижрий ...-129 / милодий ...-747).

Умумий маълумот: Тўлиқ исми Абу Бақр Осим ибн Баҳдала Абу ан-Нажуд ал-Куфий. Туғилган санаси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Асли аждодлари араб эмас, балки Бану Асад қабиласининг озод қилинган қулларидан.

¹ Мутавотир – ёлгонга келишиб олиши имкони бўлмаган катта жамоат нақл қилган ва Расулulloҳ (с.а.в)га муттасил силсила билан боғланган кироат.

² Шозз – санади саҳиҳ (ишончли, тўғри) бўлмаган кироат. Саҳиҳ бўлмагани сабабли бу кироатларда ўқиш мумкин эмас. Масалан: “Фотиҳа” сураси 4-оятда (مَلِكُ يَوْمِ الدِّينِ) деб мозий феъли ва يوم ни насб қилиб ўқилган кироат.

³ Манноъ ал-Қаттон. “Мабаҳис фий улум ал-Қуръон”. – Риёз: “Рашид” нашриёти, 2009. – Б.172.

Осим умавий халифалар Абдулмалик ибн Марвон (халифалик даври ҳиж. 73–86 / мил. 692–705), Валид ибн Абдулмалик (ҳиж. 86–96 / мил. 705–714), Сулаймон ибн Абдулмалик (ҳиж. 96–99 / мил. 714–717), Умар ибн Абдулазиз (ҳиж. 99–101 / мил. 717–719), Язид ибн Абдулмалик (ҳиж. 101–105 / мил. 720–723), Ҳишом ибн Абдулмалик (ҳиж. 105–125 / мил. 723–742), Валид ибн Язид ибн Абдулмалик (ҳиж. 125–126 / мил. 742–743) даврида яшаган. Бу давр Мовароуннаҳр, Сицилия, Синд, Арманистон, Испания, қисман Франция каби кўплаб мамлакатлар фатҳ қилинган давр сифатида тарих саҳифаларида алоҳида кўзга ташланади. Бундан ташқари, Осим яшаган даврда Куфада илм-маърифат ривожланди. Турли илмларда кўплаб олимлар етишиб чиқди. Жумладан, куфалик Осим Куфанинг қозиси Абу Бурда ибн Абу Мусо Ашъарий⁴, мазҳаббоши Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит⁵, муҳаддис Муоз ибн Муслим, наҳв илми асосчиси Абул Асвад Дуалий⁶, Жаъфар ас-Содиқ⁷, Али ибн Ҳамза ал-Кисойй⁸ каби йирик олимлар билан замондош бўлган.

Ривоят қилинишича, Абу ан-Нажуд унинг отасининг исми. Бошқа ривоятда эса отасининг исми Абдуллоҳ дейилади. Лекин отасининг исми Баҳдала бўлган деган маълумот

⁴ Абу Бурда ибн Абу Мусо Ашъарий (ваф. ҳиж. 103) факих, муҳаддис тобеинлардан. Ҳажжож ибн Юсуф Сакафий даврида Куфа қозиси. “Жамомим” жангидан сўнг қозиликдан истефога чиққан.

⁵ Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Куфий (ҳиж. 80–150) буюк факихлардан. Тўрт мазҳабдан бирининг имоми. Саҳобийлар, жумладан Анас ибн Молик билан кўришган.

⁶ Абул Асвад Золим ибн Амр ибн Суфён ад-Дуалий ал-Киноний (ҳиж. 16–69). Катта тобеинлардан бўлиб, факих, муҳаддис, муфасссир, шоир, даҳолардан бўлган. Араб тили грамматикаси асосчиси. Шу сабабли “Наҳв илмининг подшоҳи” лақабини олган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар этиб юборилишларидан олдин таваллуд топган. Лекин Расулulloҳни кўрмаган. Шу сабабли тобеинлардан саналади. Али розияллоҳу анҳунинг яқин кишиси бўлиб, унинг халифалиги даврида Басра волийси бўлган. Али билан Сиффин, Жамал жанги ва хаворижларга қарши жангларида бирга бўлган.

⁷ Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқ (ҳиж. 80–148). Йирик уламолардан. Ҳусайн ибн Алининг зурриётларидан.

⁸ Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Абдуллоҳ ал-Кисойй (ҳиж. 119–189). Куфа шахрининг наҳв илмида устози ва Куфанинг наҳв мактабини асосчиси. Етти кироат имомларидан бири.

Имом Заҳабийнинг фикрига кўра тўғрирок-дир⁹. Имом Жазарий эса, “У (яъни, Баҳдала) унинг онасидир”, дейди¹⁰. Аммо, Имом Заҳабий бу фикрни инкор қилади¹¹.

Осим фасоҳатли ва гўзал товушли, қуръоний хулқи ва одоби билан бирга тобеинларнинг энг маҳоратли қориларидан бўлган. У кўп ибодатли зоҳид инсон бўлиб, ибодат қиладиган бўлса, ерга худди дарахт каби ўрнашиб, узок муддат кимираммай турарди. Жума намозидан сўнг асргача яна ибодат қилиш учун масжидда қоларди. Бирор бир нарсага эҳтиёжи бўлса, дарҳол масжидга намоз ўқиш учун кирар, сўнг-ра “Энди ҳожатимиз қолиб кетмайди”, дерди.

Илмий салоҳияти: Етти машҳур мута-вотир кироат имомларидан. Кироат ва наҳв илмида етакчи уламолардан. Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Ҳабиб ас-Сулабий¹²дан сўнг Куфа шаҳрида кироатлар борасидаги асосий устозлик унга ўтди ва устозининг фаолияти-ни давом эттирди. Ўз даврида талабалар узок шаҳарлардан уни қасд қилиб илм талабида са-фарга чиқишар эди.

Абу Бакр ибн Айёш¹³ айтади: “Абу Исҳоқ

ас-Сабий¹⁴дан кўп марта шундай деганини эшитганман: “Осим ибн ан-Нажуддан кироат борасида маҳоратлироқ инсонни кўрмадим”¹⁵.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Ижлий¹⁶ айтади: “Осим ибн Баҳдала суннат ва кироат эгаси эди. Қуръон илмида бош бўлган. Басрага келиб, унинг аҳолисига Қуръонни ўқитган”¹⁷.

Шунингдек, кироат илми билан бирга наҳв¹⁸ илмида Куфанинг етук уламоларидан бўлган. Абу Бакр ибн Айёш айтади: “Осим наҳв олими бўлган. У фасоҳат билан гапи-рар эди”¹⁹, яна бошқа ўринда шундай дейди: “Осим энг фасоҳатли инсонлардан, ўз замони-да илм аҳллари орасида пешқадамлик ва илм-даги мустаҳкамлик билан танилган”²⁰.

Тобеинлар уни улуғлаганлар. Хусусан, у сафардан қайтган пайтида Абу Воил (Шақик ибн Салама) унинг қўлини ўпиб сўрашар эди²¹.

Устозлари: Осим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча саҳобалари билан кўришган ва улардан таълим олган. У кичик тобеинлардан. Масалан, Ҳорис ибн Ҳас-сон ал-Бакрий²² (р.а.), Рифоъа ибн Ясрийий

⁹ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. “Маърифат ал-қурро ал-кибор алат-табақот вал-аъсор”. – Истанбул, Туркия: “Ал-бухус ал-исломийя” нашриёти, 1995. 1-жилд. – Б.88.

¹⁰ Абул Хайр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Жазарий. “Ғоя ан-нихоя фий табақот ал-қурро”. – Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 2006. 1-жилд. – Б.346.

¹¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. “Маърифат ал-қурро ал-кибор алат-табақот вал-аъсор”. – Истанбул, Туркия: “Ал-бухус ал-исломийя” нашриёти, 1995. 1-жилд. – Б.88.

¹² Абдуллоҳ ибн Ҳабиб ибн ас-Сулабий (ваф. ҳижрий 74.) Куфанинг кироат имомларидан. Саҳобаларнинг авлодларидан. Катта тобеинлардан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида таваллуд топган бўлиб, отаси саҳобий бўлган. Кироатни Усмон ибн Аффондан, Алий ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳумдан олган. Куфадаги катта масжидда қирқ йил инсонларга кироатни таълим берган. Ибн Мужоҳид айтади: “Куфада ижмоъ қилинган кироатдан ўқитган энг аввалги инсон Абу Абдурахмон ас-Сулабийдир. Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган машҳур ҳадис: “Сизларнинг энг яхшингиз Қуръонни ўрганган ва ўргатганингиздир”-ни ровийсидир. Ҳажжож ибн Юсуф Сақафийнинг замонида вафот этган.

¹³ Осимнинг машҳур икки ровийларидан биринчиси. Шуъба номи билан машҳур.

¹⁴ Амр ибн Абдуллоҳ. Бану зий Яҳмуд ибн ас-Сабий ал-Ҳамадоний ал-Куфий қавмидан. Ҳижрий 33–127 йилларда яшаган. Ишончли, арбоб тобеинлардан. Куфанинг шайхи, олими, муҳаддиси бўлган. Усмон розияллоҳу анҳунинг халифалик давридан икки йил олдин таваллуд топган. Тўрт юздан ортиқ шайхларга устоз. Ривоят қилинишича 38 та саҳобийдан таълим олган. Ҳар уч кунда Қуръонни хатм қилган. Қариганда кўзи ожиз бўлиб қолган.

¹⁵ Доктор Тоҳа Фарис. “Тарожим ал-қурро ал-ашр ва рувватихим ал-машҳурин”. – Байрут: “Муассаса ар-Райён” нашриёти, 2014. – Б.83.

¹⁶ Абул Ҳасан Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Солих ал-Ижлий (ҳижрий 182–261 й.). Ўз замонининг барча илмларида пешқадам ва зоҳид инсон бўлган. Шунингдек, тарихчи, ҳадис ҳофиз. Куфада туғилиб, у ерда яшаган.

¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. “Маърифат ал-қурро ал-кибор алат-табақот вал-аъсор”. – Истанбул, Туркия: “Ал-бухус ал-исломийя” нашриёти, 1995. 1-жилд. – Б.91.

¹⁸ Араб тили грамматикаси.

¹⁹ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. “Сияру аълом ан-нубало”. – Байрут: “Муассаса ар-рисола” нашриёти, 1996. 5-жилд. – Б.258.

²⁰ Ас-Саҳавий. “Жамол ал-қурро ва камол ал-икро”. – Макка: “Мактаба ат-турос” нашриёти, 1987. 2-жилд. – Б.462.

²¹ Мазкур манба. 2-жилд. – Б.465.

²² Аҳмад, Термизий, Ибн Можа, Насоий ундан ҳадис ривоят қилганлар.

ат-Тамимий розияллоҳу анҳу билан кўришган. Бу икки киши саҳобий бўлган²³.

Уч киши – Абу Абдурахмон ас-Суламий, Зирр²⁴ ибн Хубайш ал-Асдий ва Саъд ибн Йёс аш-Шайбоний²⁵ дан қироат илмини олган. Улар Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу, Абу Абдурахмон ас-Суламий ва Зирр ибн Хубайш эса, Усмон ибн Аффон ва Алий ибн Абу Толиб (р.а.), Абу Абдурахмон ас-Суламийнинг ўзи эса, Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собитлардан Қуръонни ўтказган.

Ҳафс ибн Сулаймон²⁶ айтди: “Осим менга шундай деди: “Мен сенга ўқитган қироатимни Абу Абдурахмон ас-Суламийдан олганман. У Али (р.а.)дан олган. Абу Бакр ибн Аййошга ўқитган қироатимни Зирр ибн Хубайшдан ўтказганман. У Ибн Масъуд (р.а.)дан олган”²⁷.

Шогирдлари: Абу Абдурахмон ас-Суламийнинг вафотидан сўнг Осим Куфанинг қироат имомига айланган. Ундан кўплаб машхур уламолар қироат илмини олганлар. Жумладан, Абу Бакр ибн Аййош, Ҳафс ибн Сулаймон (дунёнинг аксар мусулмонлари айнан Ҳафс ривояти қоидаларига кўра қироат қиладилар) ва Ал-Аъмаш²⁸ улар қаторига қиради. Саховий

²³ Доктор Тоҳа Фарис. “Тарожим ал-қурро ал-ашр ва рувватихим ал-машхурин”. – Байрут: “Муассасах ар-Райён” нашриёти, 2014. – Б.84.

²⁴ Зирр ибн Хубайш ибн Ҳабоша ибн Авс ал-Асдий, сўнгра ал-Ғодиий (ваф. ҳижрий 83.) катта тобеинлардан. Абу Абдурахмон ас-Суламий билан бирга Куфада қироатни таълим берган. Жоҳилият ва исломни кўрган. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмаган. Катта саҳобийлардан таълим олган. 120 йил яшаган. Дайрул-жаможим жангида вафот этган.

²⁵ Абу Амр Саъд ибн Йёс ал-Куфий аш-Шайбоний (ҳижрий-96 й.). Кибор тобеинлардан. Қуръон илми устози. Жоҳилият ва исломни кўрган. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмаган. Алий, Ибн Масъуд, Ҳузайфа (р.а.)дан ҳадис ривоят қилган. Куфанинг энг катта масжидида қироатдан дарс берган. 120 йил яшаган.

²⁶ Осимнинг иккинчи машхур ровийси.

²⁷ Доктор Тоҳа Фарис. “Тарожим ал-қурро ал-ашр ва рувватихим ал-машхурин”. – Байрут: “Муассасах ар-Райён” нашриёти, 2014. – Б.85.

²⁸ Абу Муҳаммад Сулаймон ибн Михрон ал-Асдий (ҳижрий 61–148). Аъмаш номи билан машхур. Йирик имом, машхур тобеин. Қироатда мохир, суннатда ҳофиз, фароизда олим бўлган. Узоқ йиллар илм ўргатган. Кўплаб инсонлар ундан қироат илмини ўрганган. Жумладан, Ҳамза ибн Ҳабиб аз-Зайёт, Шуъба ибн ал-Ҳажжож. Ўта

шундай дейди: “Илмдаги пешқадам имом ва олимлардан қирқ саккиз киши ундан қироат ривоят қилганлар”²⁹.

Ундан қироат илмини Абу Амр ибн ал-Ало ал-Басрий, Ҳамза ибн Ҳабиб аз-Зайёт, Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий, Суфён ас-Саврий, Суфён ибн Уяйна, Ҳаммод ибн Зайд, Ҳаммод ибн Салама ва бошқалар ўрганганлар.

Ҳадис илмидаги мартабаси: Осим ҳадис илмида ҳам мохир бўлган. Абу Абдурахмон ас-Суламий, Зирр ибн Хубайш ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Осимнинг икки устози бўлмиш йирик тобеинлар Ато ибн Абу Рабоҳ ва Абу Солиҳ ас-Саммон ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Лекин унинг ҳадис илмидаги мақоми қироат илмидаги каби эмас. Гарчи олтига саҳиҳ ҳадис китобларда унинг ривоят қилган ҳадислари “тахриж”³⁰ қилинган бўлса-да, ундан ҳадис ривоят қилиш масаласида муҳаддис уламолар ихтилоф қилишган. Ундан ҳадис ривоят қилишга ижмоъ³¹ бўлмаган.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: “У ишончли олимлардан бўлган. Лекин Аъмашнинг ҳифзи ундан кўра кучлироқ эди. Шуъба ҳадис олишда ундан кўра Аъмашни устун кўяр эди”.

Муҳаммад ибн Саъд айтади: “У ишончли олим бўлган. Лекин ҳадисларида хато кўп”.

Яҳё ибн Маъин ва Насоий шундай дейди: “Унга ҳеч қандай эътироз йўқ”.

Абу Зуръа ар-Розий: “Ишончли”, деган.

Доруқутний: “Унинг ҳифзи унчалик бўлмаган”, деган.

Абу Ҳотам ар-Розий айтади: “Менинг наздимда Осим ривоят қилган ҳадис ривоятга лойиқ. Лекин у ҳофиз бўлмаган”.

такводор бўлган. Етмиш йил бирор марта жамоат намози тақбири таҳримасига кеч қолмаган.

²⁹ Ас-Саҳавий. “Жамол ал-қурро ва камол ал-икро”. – Макка: “Мактаба ат-турос” нашриёти, 1987. 2-жилд. Доктор Тоҳа Фарис. “Тарожим ал-қурро ал-ашр ва рувватихим ал-машхурин”. – Байрут: “Муассасах ар-Райён” нашриёти, 2014. – Б.465.

³⁰ “Тахриж ал-ҳадис” – имомлар ва ҳадис илмидаги мўтабар уламолардан ҳадис ривоят қилган кишига ҳадиси нисбат бериш.

³¹ Ижмоъ – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг мужтаҳид уламоларнинг шаръий бир ҳукмга иттифок қилишлари.


Вафоти: Умавийлар давлати заволга юз тутиб, Аббосийлар давлати тикланишидан уч йил олдин, ҳижрий 129 йилнинг охири, милодий 747 йилда вафот қилган. Буни Ибн Жазарий айтган³² ва бу бизнингча тўғри маълумот. Баъзи манбаларда эса 128 йил дейилган. Вафот қилган жойи ҳақида турли чалкаш фикрлар мавжуд. Кўпроқ ривоятлар уни Куфада вафот қилганига далолат қилса-да, Аҳвазий уни Шомнинг Сомова шаҳрида вафот этгани ва ўша ерга дафн қилингани ҳақида маълумот беради.

Абу Бакр ибн Айёш айтади: “Осим ўлим тўшагида ётганида унинг олдида кирдим. У хушидан кетди ва хушига келганида қуйидаги:

ثُمَّ رُدُّوا إِلَى اللَّهِ مَوْلَاهُمُ الْحَقُّ أَلَا لَهُ الْحُكْمُ وَهُوَ أَسْرَعُ الْحَاسِبِينَ

“Сўнгра (улар) ҳақиқий эгалари – Аллоҳ (ҳузури)га қайтарилурлар. Ҳукм эса Уники-дир. У ҳисобловчиларнинг тезкоридир”³³ оятини ўқиди³⁴.

Осим ибн Абу ан-Нажуднинг қироатдаги шажараси



³² Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Жазарий. “Ан-нашр фий ал-қироат ал-ашр”. – Жидда, Саудия Арабистони: “Дор ал-худо” нашриёти, 1994. 1-жилд. – Б.145.

³³ “Анъом” сураси, 62-оят.

³⁴ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. “Сияру аълом ан-нубало”. – Байрут: “Муассаса ар-рисола” нашриёти, 1996. 5-жилд. – Б.260.